O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 10 март, № 49 (4202) Шанба

Истиқлол тимсоллари

Ўтган йили Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги тўйи арафасида шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлишга тўғри келганди:

— Шаҳримизнинг катта юбилейи шарафига бирор ҳайкал ўрнатилармикан?

— Эшитишимча, Қашқадарё халқига ёдгорлик яратилар экан. Бу — Президентимизнинг ташаббуси дейишди.

— Одатда, тарихий шахсларга ҳайкал бўлар эди. Халққа ҳам ҳайкал қўйиларканми?

БУНЁДКОР ХАЛҚҚА ЭҲТИРОМ

Бу саволга Қаршининг ўша тўйи куни жавоб берилди. Шу чўллар бағрида эл назарида бўлган, шу заминни заҳматли меҳнати ила обод қилган оддий оилани акс эттирувчи ажойиб ҳайкал бутун жамоатчилик кўз ўнгида намоён бўлди. Бу бетакрор тарихий обиданинг очилиш маросимида унинг ижодкори — Президентимиз ҳайкалга «Эл-юрт таянчи» деб ном бердилар.

Бугунги кунда ушбу ёдгорлик вилоят марказининг энг файзли, шуқуҳли масканига айланган. Ҳайкални зиёрат қилиб қайтаётган одамларнинг юриш-туришини кузатсангиз ғурурланаётганликларини илғаш қийин эмас. Қаршилик ўқитувчи Оксана Елисеевانинг монумент ҳақидаги мана бу фикрларига қўшилгимиз келади: «Ушбу ҳайкал, менимча, бизнинг навқирон ва мустақил республикамизда қарор топган осойишталик, яратувчанликнинг тимсолини ифода этади».

Ж. НОРҚОБИЛОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 7 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисини 2007 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни киритиш режалаштирилмоқда. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни киритилди.

Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[1]-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги, "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги масалаларни ҳам киритиш таклиф этилмоқда. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Олий Мажлис юқори палатаси қўмиталари ҳамда Девонининг тўққизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳиддинова зиммасига юклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Аёл қадри

Баҳор бошланиши билан халқимиз катта шодиёналар, қувончли кунлар билан юзма-юз келади. Балки шунинг учун ҳам баҳор меҳр, муҳаббат, гўзаллик фасли сифатида бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутар. Мана куни-кеча кўкламнинг илк айёми 8 март Хотин-қизлар куни юртимизда кенг нишонланди. Мамлакатимиз раҳбари муҳтарама онахонларимиз, қадрли опа-сингилларимиз, лобар қизларимизга ўзининг байрам табригини йўллади. Ушбу табриқдаги самимий ва ҳаётий сўзларни ўқиб кўнглимиздан шундай фикрлар ўтди...

Очиғини айтиш керак, эски замонларда ҳам табриклар кўп бўлган. Лекин уларда асосан аёлларни мадҳ этиш замирида собиқ тузумнинг ўз манфаатлари, қарашлари ётар эди. Асосий гап хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ҳақида эмас, балки, ўша давр уларнинг бўйнига илиб қўйган машаққатли меҳнати ҳақида бўлиб, улар шаънига қуруқ ҳамду саналар ўқиларди. Дейлик, илғор аёлларнинг қанча пахта тергани, неча метр газлама тўқигани, неча литр сут соғиб олгани бош мавзу бўларди.

Аёлнинг қадр-қиммати, аввало унинг она сифатидаги ўрни, жамиятдаги мавқеи, оналик ва болалик муҳофазаси, хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бир сўз билан айтганда, эъзозлаш масаласи ана шундай баландпарвоз гаплар тагида қолиб кетарди. Шу тариқа кўпминг-килограммчилар, минг-литрчилар, кўпстанокчилар шиори остида қанчадан-қанча хотин-қизларимиз оғир меҳнатда эзилиб, ўз соғлиқларини йўқотгани ҳам сир эмас.

Яратганга шукрлар бўлсинки, бугун хотин-қизларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Президентимизнинг табригида қайд этилганидек, 8 Март байрами сиёсий-мафкуравий қолиплардан бутунлай холи бўлиб, юртимизга гўзал ва бетакрор баҳор фаслининг элчиси сифатида кириб келадиган, тобора чинакам инсоний моҳият касб этиб бораётган қутлуғ бир анъанага, оилаларимизга шодлик бахш этадиган қувончли бир айёмга айланди.

Айни пайтда халқимиз бугун «ҳаётимизнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида» бор куч-қудратини сарфламоқда. Шу билан бирга бу борада «ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимиз»ни керак-лигини англаб етмоқда ва бу йўлда амалий чоралар кўрмоқда.

Президент табригини ўқиб

Барчамизга яхши маълум, мана ўн йилдирки, ҳар бир йилни ўзига хос бир ном билан атаб, махсус давлат дастури қабул қилиш яхши анъанага, яна бир хайрли қадриятимизга айланди. Бундай эзгу амаллар ортида, энг аввало, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, фарзандларимиз таълим-тарбиясига алоҳида аҳамият бериш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш каби улуғ мақсадлар ётибди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон аёлларига йўллаган табригида ана шундай саъй-ҳаракатларнинг «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам изчил давом эттирилиши алоҳида таъкидлангани эътиборлидир.

«Авваламбор, жамиятимизнинг пойдевори ва таянчи бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини ошириш, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклашини яна бир бор таъкидламоқчиман», дейилади ушбу табрикда. Эътибор беринг, бу сўзларнинг замирида қанчалик чуқур маъно мужассам.

Бугун дунёнинг айрим ҳудудларида оила тушунчасига иккиламчи даражали нарса сифатида қараш тус олаётган, айрим юртларда ҳатто «оила кишанларидан озод бўлиш» ғояси кенг тарғиб қилинаётган бир вақтда, Юртбошимиз мунис аёлларимизни ташкил этаётгани ва бу ҳолат бизни қониқтирмаслигини таъкидлаб, келгуси сайловларда бу масала сайловчилар ва кенг жамоатчиликнинг эътибор марказида бўлиши зарурлигига алоҳида урғу берди. Нега деганда «юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий анъанага айланса, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз».

Шу ўринда мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, азиз ва муҳтарам аёлларимизга берилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик замирида бутун мамлакатимизнинг, халқимизнинг улуғвор мақсадлари мужассам эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Зеро, қайси мамлакат, қайси жамиятда аёл зоти муносиб ҳурмат-эътибор ва қадр топса, бундай халқни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Мазкур табрик келгусида ушбу йўналишда олиб борадиган кенг кўламли ишларимизда ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Табрикда баён этилган фикрлар, таклиф-мулоҳазалардан чиқарган яна бир хулосамиз шу бўлдики, аёл нафақат оила таянчи, унис она, балки гўзаллик ва меҳр-муҳаббат, адолат тимсоли ҳамдир. Шундай экан, улар ҳамиша жамият, халқ, сизу бизнинг эътиборимизга муносибдир.

Ф. ҲАМИДУЛЛАЕВ.

БИР САВОЛ

Сиз Наврўз айёмини қандай кайфиятда кутиб олаяпсиз?

Манзура ДАНИЕВА, тадбиркор, Тошкент шаҳри:

— Наврўзга яқин кўнглим ёришиб, вужудимни янги-янги ғоялар, режалар эгаллайди. Режаларки, Президентимизнинг ташаббуси билан юртнинг ва элимиз дастурхонини тўкин қиладиган, турмушини фаровонлаштирадиган... Зеро, яхши ният билан яшаш йўлида заҳмат чекишдан... дам оламан, кучимга куч қўшилади. Янада шижоат билан ишлагинг келаверади, келаверади.

Зарнигор МУСУРМОНОВА, Пайариқ туманидаги 20-умумтаълим мактаби ўқувчиси:

— Яқинда аямдан нон ёпишни ўргандим. Наврўз дастурхонига иссиқ кулчалар тортиқ қилмоқчиман...

Искандар ҚОБИЛОВ, ҳунарманд:

— Туманимиз Ургутда Наврўз сайли нишонланадиган Тўпхона деган жой бор. Биз бу йил Тўпхонага оилавий чиқиб ҳам Наврўзни, ҳам туғилган кунни нишонламоқчимиз. Чунки оиламиздан 8 киши март ойида туғилган. Кайфиятим аъло.

Дилфуза МУСТАФОҚУЛОВА, Тойлоқ тумани:

— Узоқ хасталикдан сўнг дадам оёққа турдилар. Тўғрисини айтсам, у кишини йўқотиб қўйишдан қўрққандик. Фидойи ва меҳрибон шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан дадам дард кўрмагандек бўлиб кетдилар. Худо хоҳласа, Наврўз куни элюртга шукрона оши бермоқчимиз.

Абдураҳмон НУРҚОБИЛОВ, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, халқ таълими аълочиси, Тошкент шаҳри:

— Ислом дини Арабистон ярим оролида пайдо бўлган бўлсада, ўрта асрларда унинг маънавий марказларидан бири Мовароуннаҳр ҳисобланарди. Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб топилгани юртимизнинг тарихий шарафига катта эътироф бўлди.

Галия ИБРАГИМОВА, талаба, Сурхондарё вилояти:

— Жорий ўқув йилида журналистик таълим йўналиши бўйича Президент стипендиясига лойиқ топилдим. Бу Наврўз мен учун энг эсда қоларли айём бўлади.

Музаффар АБДУРАШИДОВ, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сергели туман бўлими иқтисодчиси:

— Кайфиятим аъло. Наврўз эшик қоқиб турган бир паллада хизмат поғонасидан бир даража кўтарилиб, етакчи мутахассис бўлдим. Хайрли бошланган йилнинг, фаслнинг фазилатлари ҳам бисёр бўлади.

Ўлмасхон ЖАЛОЛОВА, ТДИУ доценти:

Наврўз арафасида одамлар янги кундан, албатта, янгилик кутадилар. Наврўз барчамизга янги қувонч ва янги шодликлар олиб келади, деган умиддаман.

Муҳтарам газетхон! «Бир савол» рукни остида Сизнинг жавобларингизни ҳам кутамиз.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Шу йил 13 март куни Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция — UzBuild 2007» Халқаро кўргазмаси иш бошлайди. Саккизинчи бор ўтказилаётган мазкур кўргазмада дунёнинг 10 мингдан зиёд қурилиш индустрияси вакиллари иштирок этади.

Мушоҳада

Бир қўшним яқинда фарзандлари қулоқсиз бўлиб кетаётгани, ўзбекона урф-одатларни унутиб бораётганидан нолиб қолди. Ўғли маҳалладаги тўю маъракаларга, тадбирларга чиқмасмиш, қизи калта юбка кияр эмиш.

Шарқ – ҳаёси, ибоси билан гўзал

Хўш, бунга ким айбдор? Замонми? Телевизор ёки турли видеофильмларми? Балки интернет айбдордир? Бир чеккадан ҳаммасини айблаш мумкин (Булар ҳақида мақоламиз давомида тўхталамиз). Ҳаммасини айблашга баҳона ҳам, сабаб ҳам топиш осон. Лекин яхшилаб ўйлаб кўрайлик, ўзимиз фарзандларимиз шундай йўлга кирмасликлари учун нима қилаяпмиз? Уларнинг тарбиясига ҳамиша ҳам эътибор бераяпмизми? Ишдан сўнг, мактабдан сўнг нима ишлар билан машғул эканликларини суриштираяпмизми? Аслида болани ёшликдан ҳамма нарсага ўргатиш керак. Бу ишда ота-она болага намуна, ўрнак бўлиши лозим.

Фарзандларидан нолиган қўшним ёзда шортик кияди. Оиласи даврасида, дастурхон атрофида кўйлаксиз ўтиради. Турмуш ўртоғи у ёқда турсин, келининнинг олдида ҳам сўкиниб гапиради. Бўйи етган ўғил-қизининг, келининнинг олдида ота ўзини шундай тутгандан сўнг фарзандлардан нима кутиш мумкин? Бола ота-онага, атрофидаги одамларнинг ҳаракатига, юриш-туришига қараб хулоса чиқаради, тарбия олади. Минг марта айтилган бир гап бор: қуш уясида кўрганини қилади.

Кейинги йилларда дунё бизга ўз эшикларини очди. Бизнинг эшикларимиз ҳам дунёга очилди. Шу туфайли турли давлатларнинг, халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти, таомлари, маҳсулотлари кириб келди юртимизга.

Бу рўйхатга уларнинг фильмларини ҳам киритиш мумкин. Айниқса, телевидениемизда хорижнинг кўп қисмли фильмларни кўрсатиш одат тусига кирди. Бу борада каналлар ўзаро мусобақа ўйнаётгандек гўё. Лекин мазкур фильмларининг савияси қанақа? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрайлик, ахир. Улар кечқурун оила даврасида кўрилади. Туркия, Жанубий Корея, Япония, Хитой фильмларини бундай давраларда кўрса бўлади. Шарқ барибир Шарқ. Шарқда ҳаё бор, ибо бор. Айтайлик, Япония киноижодкорлари яратган «Ошин», корейс киноси — «Сарой жавоҳири» сериаллари тарбиявий аҳамиятга эга.

Лекин Мексика, Бразилия фильмларини оила даврасида кўриб бўладими? Фильмлардаги аёлнинг ҳам, эркакнинг ҳам ўйнаши бор. Хоҳласа униси, хоҳласа буниси билан ўпишиб кетаверади. Ачинарли томони, ҳаёсиз лавҳаларни ҳам ота-она фарзандлар билан бирга ўтириб кўраверади. Шундан сўнг ота-она болаларига намуна бўла оладими? Умуман, бундай фильмлар керакми?

Тўғри, биз очиқ, демократик давлат қураяпмиз. Лекин демократия дегани бир халқнинг маънавиятига ҳужум дегани эмас-ку. Юқоридаги ярим яланғоч фильмлар бизнинг минг йиллар давомида шаклланган маънавиятимизга, маданиятимизга, урф-одатларимизга зарар етказаяпти. Ёшларимизнинг онгини, тарбиясини бузаяпти. Аслида бунинг учун Ғарбдан хафа бўлишимиз ҳам нотўғри. Чунки бу фильмларни ўзимиз олиб келаяпмиз, ўзимиз таржима қилаяпмиз, ўзимиз кўрсатаяпмиз. Балки бундан таржимон ёки овоз берган актёр, режиссёр манфаатдор бўлгандир. Лекин миллатнинг маънавияти зарар кўраяпти.

Мен бир нарсага тушуна олмайман. Нега бизнинг ёшларимиз Ғарб маданиятига ўч? Нега уларга эргашишга интилади? Нима, бизнинг улардан кам жойимиз борми? Нега улар бизнинг дўппимизни кийишни модага айлантирмайди-ю, биз уларга эргашиб, тиззаси йиртилган шим ёки калта юбка киямиз? Майли, бизнинг урф-одатларимизни ўрганишмасин. Лекин хитойлар ёки ҳиндлар жаҳон аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этади. Бироқ ғарбликлар уларнинг анъаналарини ҳам ўрганмайди, кийимларини ҳам киймайди. Улар ҳаммани ўзларига ўхшашини исташади. Ота-онамизни қариганда қариялар уйига топширишимизни, бир жинслилар ўртасида никоҳ тузишимизни, кўча-кўйда очиқ-яланғоч юришимизни, яъни шарқона ҳаёибони унутишимизни исташади. Биз эса уларга эргашаверамиз. Нега? Нима учун? Иродамиз шунчалик кучсизми? Ор-номусимиз қаерда қолди? Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Муқанна, Тўмарис каби буюк саркардаларнинг авлоди эканлигимизни унутмайлик.

Тан олишимиз керак. Юқорида таъкидлаганимдек, бу каби иллатларнинг урчишига кўпинча ўзимиз айбдормиз. Яқинда бир гуруҳ фарғоналик журналистлар пойтахтимизга тажриба ўрганганги келишди. Жойларда улар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари билан бўлган мулоқотда туман газеталарининг раҳбарларидан бири сўзга чиқиб, бугунги ёшлар маънавияти ҳақида гапирар экан, шундай деди:

— Бундан икки-уч ҳафта бурун битта газетада «Қиз онасига кундош» сарлавҳали мақола чиқди. Энг ачинарлиси, биринчи бетда катта қилиб анонс беришибди. Бу қандай гап ахир? Пул учун ҳамма нарсани ёзиш мумкин экан-да. Айтингларчи, шундай мақолалар билан ёшлар маънавиятини бойитиб бўладими?

Муҳаррирнинг гапи кимга қандай таъсир қилди, билмадиму, лекин мен, тўғриси, шу гапни кўп ўйладим. Бугун юртимизда газеталар сони жуда кўпайиб кетди. Кўп бўлгани яхши. Рақобат кучаяди, яхши мақолалар ёзилади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам пайдо бўлди. Яхшилари билан бирга, маънавиятимиз, қадриятларимизга зид турли хил бўлмағур, ёлғондан иборат мақолалар ҳам чоп этилаяпти бу газеталарда.

Келинг, ўша муҳаррир айтган мақолани олиб кўрайлик. Қачондан буён биз онасига кундош бўлган қизни тарғиб қиладиган бўлиб қолдик. Оддий ўзбекона одатларимиз, маънавий қадриятларимиз нуқтаи назаридан қараганда ҳам, бу мақоланинг берилишини оқлаб бўлмайди-ку. Бундай ҳаракат билан таҳририят нима демоқчи? Ғарбда ҳамма нарса мумкин. Қизининг эрига онаси турмушга чиқса, уларда уят ҳисобланмайди. Лекин биз Шарқда яшаймиз. Биз жаҳон цивилизациясига ўзига хос тараққиётимиз, ахлоқ-одобимиз, урф-одатларимиз билан улкан ҳисса қўшган халқмиз. Афсуски, бундай мақолалар битта эмас. Пул кетидан қувган газеталарда гўё шов-шув бўладиган, фалон газетада фалон нарса чиқибди, ўқидингми дейиладиган, мафкурамизга ёт мақолалар кўплаб топилади. Ёшларимиз шуларни ўқиб вояга етишаяпти.

Биз эса баъзан четдан туриб бу ҳолни кузатаяпмиз. Чунки, айримлар ҳамма нарсага эътиборсиз қарашга, бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилида иш тутишга ўрганиб қолаяпти. Ҳар куни ишга келаётиб ҳам, ишдан кетаётиб ҳам Чилонзор кўчасидан юраман. Кўчанинг икки томонини дўконлар, турли фирмаларнинг бинолари, дорихоналар эгаллаган. Лекин биттасининг ҳам номи давлат тилида ёзилмаган. Фақат бир-иккита жойда «Дорихона» деган ўзбекча ёзувни ўқиш мумкин. Ишончим комилки, туман раҳбарлари ҳам, бошқа мутасаддилар ҳам шу йўлдан, ҳеч бўлмаганда, бир ҳафтада бир марта юришади. Лекин бепарво, беэътибор. Аслида бу ҳам бизнинг ҳаётга қарашимизни, манаъвиятга, унинг ажралмас қисми бўлган тилга муносабатимизни белгилайдиган бир мезон.

Ёшлар ҳар нарсага қизиқувчан, эргашувчан, эгилувчан бўлади. Уларни юртпарвар, ватанпарвар, маънавий етук қилиб тарбиялаш биз катталарнинг иши. Бунинг учун эса ўзимиз ҳушёр, ўзимиз ориятли, ўзимиз қадриятларни фарқлайдиган, бу масалада ёшларга ўрнак бўла оладиган, энг асосийси, маънавий етук бўлишимиз керак. Шунда ёшлар бизга эргашади, йўлимиздан юради.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Тараддуд

Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши биологик усулда курашиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мазкур усул сабаб, энг аввало, атроф-муҳит заҳарли кимёвий моддалардан муҳофаза қилинади, қолаверса, миллионлаб пул иқтисод қилинади.

Айниқса, бу борада Наманган туманида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Туман меҳнаткашлари жорий йилда 7555 гектар пахта майдони, 4907 гектар ердаги қишлоқ хўжалиги экинларига биологик усулда ишлов беришни режалаштирганлар. Бу масъулиятли вазифани зиммасига олган ўсимликларни ҳимоя қилиш марказий лабораторияси ходимлари ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ишчиларнинг унумли ишлашлари учун эса барча шароитлар яратилган.

СУРАТДА: лаборант Феруза Худойбердиева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тақдимнома юборилди

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Жондор туманидаги Работикала қишлоғида яшовчи Яҳё Аслонов таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида ҳамқишлоғи Шодмон Қурбоновнинг ноқонуний ҳаракатлари ҳақида сўз юритганди. Мазкур мактуб текшириш ва чора кўриш учун тегишли идораларга юборилганди. Яқинда Жондор тумани прокурори К.ҲАСАНОВдан қуйидаги мазмунда расмий жавоб олдик:

"Аниқланишича, тумандаги собиқ "Варахшо" ширкат хўжалигига қарашли, асосий қисми мевазордан иборат 1,3 гектар ер майдони бултур 2 февралда вилоят кўчмас мулк биржаси орқали кимошди савдосига қўйилган. Пировардида Шодмон Қурбонов ғолиб деб топилиб, вилоят ҳокимининг 944- ва 250-қарорларига кўра, ушбу ер майдони унга узоқ муддатга ижарага берилган ҳамда "Қурбон Шоди мевазори" номли фермер хўжалиги туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан ҳисобга олиниб, юридик шахс сифатида гувоҳнома берилган.

Бироқ "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлишлари мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида"ги қарорида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг бундай фаолият билан шуғулланишлари тақиқланган.

Шоди Қурбонов эса 2004 йил декабридан эътиборан Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи вазифасини бажариб келмоқда. Бинобарин, у боғга эга бўлиб, фермер хўжалиги ташкил этган пайтда ҳам, бугунги кунда ҳам бошқарув органида ишловчи мансабдор шахс ҳисобланади. Шу боис вилоят ҳокимининг 2006 йил 25 февралдаги "Қурбон Шоди мевазори" фермер хўжалигини рўйхатга олишга оид қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритиш юзасидан вилоят прокурорига тақдимнома юборилди".

Жиноятга жазо муқаррар

Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб аталиши замирида Ватанимизнинг равнақ топиши, миллатимизнинг юксалиши, фуқароларимизга бўлган чексиз ғамхўрлик туйғуси мужассам.

НАФС ВА НАФАҚА

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга нафақат эркинлик берди, балки инсонларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, айниқса, кексаларга ҳурмат ва эъзозда бўлиш сабоғини ҳам ўргатди. Зеро,Президентимиз раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат асосини Ватанга садоқат, одамларга, айниқса, ёшларга, оналар ва болаларга ғамхўрлик, уларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофазалаш каби масалалар ташкил қилади. Бу ғамхўрликнинг амалий инъикосини биз ҳар куни, ҳар нафасда сезиб ва кўриб турибмиз. Мустақиллик берган имкониятга шукроналар қилиб яшаяпмиз.

Таассуфлар бўлсинким, ана шундай меҳрибонлик ва ғамхўрликни суиистеъмол қилишга интилаётган кимсалар ҳам бор экан.

Бўка туманидаги 6-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Назира Турматова ишини «пухта» қилди. У «Жағалбайли» маҳалла фуқаролар йиғинига нафақа сўраб ёзган аризасига 2004 йил мартдан 2005 йил мартгача бўлган иш ҳақи даромадлари ҳақидаги маълумотномани ҳам қўшиб топширади. Аммо Назирахон маҳалла томонидан ажратиладиган нафақалар кимга ва қандай ҳолатларда берилиши қонун-қоидаларини аввал обдон ўрганади. Ўзининг йиллик даромадларини чўтга ташлаб кўрса, у бу рўйхатга кирмай қолиши мумкин экан. Нафс қурғур эса уни қинғир йўлга бошлади. Йиллик даромадлари 163 минг 513 сўм бўлган ҳолда уни 77 минг 695 сўм қилиб кўрсатиб, маълумотнома тагига туман халқ таълими бўлими бошлиғи ва бош ҳисобчисининг имзоларини қалбакилаштирди. Шўро давридан қолиб кетган айланма муҳр ва штамп маълумотномадаги имзоларга «кўрк» бағишлади. Қарабсизки, почтачи ҳар ойда бир марта Назиранинг эшигини тақиллатиб турибди. Шу зайлда у бюджетдан 63 минг 987 сўм пулни ўмариб олди.

Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас. Назира Турматова ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран фирибгарлик йўлига ўтади. 2004 йил ноябрь ойида 2005 йил ноябригача бўлган иш ҳақларини 85 минг 975 сўм (аслида 245 минг 090 сўм бўлган) қилиб кўрсатиб, имзо ва муҳрларни яна қалбакилаштириб, бу маълумотномани нафақа олиш тўғрисидаги аризага қўшиб топширди. Хуллас, тарбиячи опамиз 2005 йил апрелидан 2006 йил июнь ойигача давлат бюджетига 142 минг 947 сўм зарар келтирган.

Ушбу тумандаги Й.Ҳожиметов қишлоқ врачлик пунктида навбатчи ҳамшира вазифасида ишлаган Ёдгор Яҳёева ҳам айнан «Жағалбайли» маҳалласига қалбаки ҳужжатлар топшириб ва ўз жиноий қилмишларини такроран содир этиб, 2003–2006 йиллар мобайнида 158 минг 947 сўм нафақа пулини жиғилдонига уради.

Агар тафтишчилар фирибгарлар фаолиятини ўз вақтида аниқламаганларида, билмадик, бу жиноят қачонгача чўзиларди. Қарангки, қўлида гулдай ҳунари, касб-кори бор аёллар бугунги кунда қинғир ишнинг қурбонига айланиб ўтиришибди. Ҳар иккаласи ҳам суд ҳукми билан ахлоқ тузатиш ишларига тортилди.

Аслида уларни бу жиноятга нафс балоси етаклаб келди. Нафс уларнинг виждонлари устига қалин парда тортди. Парда ортидаги виждон эса ҳар нарсага қодирдир: энди улар Ватанларини сотиши, ўз эл-дошлари ризқига бемалол чанг солиши, хуллас, ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаслиги мумкин. Эҳтимол, улар ўз қилмишларини «ҳеч ким билмайди ва кўрмайди», деб ўйлагандирлар. Қонуннинг эса қирқта кўзи бор, у бугун бўлмаса, эртага, албатта кўради ва ҳар кимсани қилмишига яраша жазолайди.

Ушбу фирибгарликларни эсласам, бир ривоят ёдимга тушади. Подшоҳ бир куни катта ҳовуз қурдириб, фармойиш берибдики, ҳар ким бир челак сут келтириб ушбу ҳовузга тўксин. Шунда бир косиб ўйлабди: «Кел, сут ўрнига бир челак сув олиб борсам нима қипти, катта элнинг сути ичида билинмай кетади». Ва сув кўтариб келиб, не кўз билан кўрсинки, ҳовуз тўла сув эмиш.

Аслида бу элдаги барча кишилар худди косиб каби фикр юритган эканлар. Таассуфлар бўлсинким, Назира ва Ёдгорхонлар ҳам ҳеч ким билмайди, қабилида эл-юрт ризқини «туя» қилмоқчи бўлишди. Текин таом эса ошқозонни безовта қилиши, табиий.

Дилшод ИСРОИЛОВ, Бўка тумани прокурори.

ХАТЛАР сўзлайди

ТАШАККУР

Ғамхўрлик

"Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси ўзининг 55 нафар фахрий аъзосига кўп йиллардан буён беминнат мурувват кўрсатиб келмоқда.

Биз — фахрийлар ҳеч бир байрам ёки тантанада компания раҳбариятининг ёдидан чиқмаймиз. Ҳамиша моддий ва маънавий мадад олиб келаяпмиз. Қолаверса, компанияда ишловчи ёш мутахассисларга устозлик қилаяпмиз.

Кўрсатилаётган эътибор учун ташкилот раҳбариятига, касаба уюшмаси қўмитасига ва фахрийлар кенгашига ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Навқирон шогирдларимизга ёруғ келажак тилаб, қўлимизни дуога очамиз.

А.АБДУЛЛАЕВ ва бошқалар.
Тошкент шаҳри.

МУЛОҲАЗА

Ижтимоий ҳимоя — бу...

Фикримча, бу сўз замирида халқимизга хос бир фазилат бор, у ҳам бўлса, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, кўмакка муҳтожларга мурувват кўрсатишдир. Қолаверса, ўсиб келаётган баркамол авлодни маънавий-руҳий жиҳатдан рағбатлантиришдир.

Шу боис ёшларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Юртимизда кўплаб замонавий мактаблар, лицейлар, коллежлар ва спорт мажмуалари қурилгани, баъзилари қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилгани фикримнинг исботидир. Қолаверса, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Меҳр нури" жамғармаларининг кўмаги ва маънавий рағбатлари ҳам биз талабалар учун айни муддао бўлмоқда. Улар уюштираётган хайрли тадбирлар неча-неча ёшлар ҳаётида туб бурилиш ясади, десам, кўплаб тенгдошларим фикримга қўшиладилар, деб ўйлайман.

Мен ижтимоий ҳимоя сўзининг маъносини амалга оширилган шу каби савоб ишлар, ёшлар келажаги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар мисолида тушунаман.

Ойбек МАМАРАСУЛОВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси.

АҲВОЛ

Қаровга муҳтож муассаса

Тўрт йилдан буён умумий касаллик бўйича 2-гуруҳ ногиронман. Ёзда уйда даволанаман, қишда эса шифохонага ётишимга тўғри келади.

Ҳар гал Ангрен шаҳар марказий шифохонасига борганимда бир хил ачинарли аҳволга дуч келаман. Бу ердаги шароит санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Муолажалар махсус хонада эмас, палаталарда олиб борилади. Газ ва электр асбоблари ишдан чиққан. Хоналарда кийим илгичлар йўқ, турли ҳашаротлар бисёр. Овқатлар бемаза. Даволанганинг ва овқат учун пул тўлайсан-у, мана бундай дилхираликларга ҳам гувоҳ бўлсанг, кишига алам қиларкан. Бош шифокор, бўлим мудирлари эса шарт-шароитни яхшилаш ўрнига ўз ташвишлари билан овора.

Нуриддин НИДАЕВ, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти аъзоси.
Ангрен шаҳри.

НАҲОТКИ!

Имкон бору истак йўқ

Тумандаги 18-мактабда кутубхона мудираси бўлиб ишлайман. Мактабимиз 2005 йили капитал реконструкция қилиниб, кутубхона ва бошқа бинолар бузилди.

Уларнинг фойдаланишга яроқли қурилиш материаллари туман халқ таълими бўлими ҳисобхонаси орқали пудратчи корхонага топширилди. Мазкур корхонанинг биздан қарзи ўтган йилнинг 1 январь ҳолатига 7,2 миллион сўмни ташкил этади. Бу маблағга янги кутубхона биноси қуриш мумкин. Менинг бултурги аризамга туман ҳокимлигининг берган жавобида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган ва 2006-2007 ўқув йили бошлангунига қадар кутубхона қурилиб, ишга туширилиши айтилган. Аммо, икки йилдирки, бу ҳақда ҳеч ким ўйлаб кўрмаяпти. Оқибатда, 500 га яқин бадиий китобни, ўн мингдан зиёд ижарага бериладиган ўқув қўлланмаларини қаерга жойлаштиришни билмай овора-ю сарсонмиз.

Мунаввар ТЎРАЕВА.
Шўрчи тумани.

АРИЗАДАН КЕЙИНГИ АРИЗА

Муддат тугади, лекин...

Бундан бир неча ой аввал таҳририятга ариза билан мурожаат қилгандим. Унда айрим қўшниларнинг "Боғкўча" номли маҳалламиз ҳудудидаги умум мулки ҳисобланган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишгани ҳақида сўз юритгандим.

Мурожаатим шаҳар ҳокимлигига юборилган экан. Кўп ўтмай ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси мутасаддилари иштирокида текшириб чиқилди. Пировардида, ҳақиқатан ҳам, архитектура ва санитария ҳолатларига зид бир неча қурилмалар мавжудлиги аниқланди. Бошқарма қонунбузарларни 10 кун ичида ушбу иншоотларни бузиш ва аҳоли фойдаланадиган умумий ер майдонларини очиб қўйиш ҳақида огоҳлантирди. Бироқ, орадан салкам бир ой ўтган бўлишига қарамай, ҳеч бир ўзгариш бўлгани йўқ. Маҳалла раҳбарияти, уй-жой мулкдорлари ширкати мутасаддилари ҳам бу масалага совуққонлик билан қарашмоқда.

Ш.НУРАЛИЕВА.
Шайхонтоҳур тумани.

ТААЖЖУБ

Спортга бегона бўлмайлик

Бизнинг Боғишамол қишлоғимизда 240 ўринга мўлжалланган 38-умумтаълим мактаби бор.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилаётган бир пайтда ушбу мактабда болаларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит деярли йўқ. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари қиш кунлари дурустроқ спорт майдончасининг йўқлигидан ниҳоятда қийналишмоқда. Биз, ота-оналар фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиб, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларини хоҳлаймиз.

Фарҳод НИЁЗОВ ва бошқалар.
Боғдод тумани.

ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кучлари қўмондони Дэвид Петреус мамлакатдаги исёнчи кучлар билан мусоҳаралар ўтказиш таклифи билан чиқди. Унинг сўзларига кўра, америкалик ҳарбийлар мустақил ҳолатда Ироқда авж олаётган зўравонликларни тўхтата олмайди. Генерал хавфсизлик чоралари қанчалик кучайтирилгани сайин жангарилар ҳаракати ҳам кенгайиб бораётганини тан олди.

«Forbes» журнали жаҳоннинг энг бой кишилари рўйхатини эълон қилди. Таҳририят маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 946 нафар миллиардер яшамоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилгидан 150 нафарга кўпдир. Журнал бош муҳаррири Стив Форбснинг таъкидлашича, бойлар сонининг кўпайиши дунё иқтисодиёти ривожланаётганини англатади. Ушбу рўйхатда 13 йилдирки, Билл Гейтс (56 миллиард доллар) биринчи ўринни ҳеч кимга бермай келяпти. Иккинчи ўринни Уоррен Баффет 52 миллиард долларлик сармояси билан банд этди. Мексикалик саноатчи Карлос Слим ўзининг 49 миллиард доллар маблағи билан учинчи ўринда бормоқда. Рўйхатга биринчи бор Сербия ва руминиялик бойлар ҳам киритилди.

Брюсселда Европа Иттифоқи етакчилари саммити бўлиб ўтмоқда. Улар иқлимнинг глобал тарзда ўзгариб боришига қарши курашиш масаласини муҳокама қилишмоқда. Иттифоқ ҳудудида атмосферага зарарли чиқиндиларни чиқаришни чекловчи янги қоидалар жорий қилиниши кутилаяпти. Бироқ қузатувчилар ушбу масалада ЕИ аъзолари якдил қарорга келиши мушкул эканлигини қайд этишмоқда.

Туркияда бундан бир ой муқаддам Истамбулда йўқолиб қолган Эроннинг собиқ мудофаа вазири ўринбосари Али Рези Асгари қидирилмоқда. Ҳозирда тахмин қилинишича, уни Ғарб давлатлари махсус хизматлари вакиллари ўғирлаб кетган бўлиши ҳам мумкин. Матбуотда ёзилишича, у Эрон ядровий дастури билан яқин алоқадор шахс эди.



«Ford Motor» Россияда ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқчи. Сабаби, Россияда 2006 йилда 2005 йилдагига қараганда компания ишлаб чиқарган автомобилларга талаб икки баробарга ошди. Айни пайтда «Ford Motor»нинг Санкт-Петербургдаги заводида йилига 75 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилмоқда. Таъкидлаш керакки, ўтган йили Россияда жами 32 миллиард долларлик янги машиналар сотилди.

МАГАТЭ Эрон билан ядро соҳасида амалга ошираётган 26 та дастурни тўхтатиб қўймоқчи. Халқаро агентлик бошқарув кенгашининг Венада бўлиб ўтган йиғилишида шундай қарор қабул қилинди. МАГАТЭнинг бу қарори расмий Теҳронга жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Эроннинг МАГАТЭдаги расмий вакили Али Асгар Султоний ушбу чеклов халқаро агентликнинг нуфузини туширишини билдирди. Таъкидлаш керакки, яқинда Эронга нисбатан БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қўшимча чоралар қўлланиши кутилаяпти.

Франция «Airbus» аэрокосмик корпорациясига раҳбарликни қўлга киритмоқчи. Айни пайтда «Airbus» молиявий тақчилликни бошдан кечираяпти. Ҳозирда Франция ва Германия корпорация акцияларига тенг эгалик қилади ва ҳамкорликда бошқармоқда. Акционерлар корпорацияни қайта ташкил этишда барча қийинчиликларни ким ўз зиммасига олиши юзасидан бир қарорга келиша олмаяпти. Франция ҳукумати молиявий ёрдам кўрсатиш эвазига акциялар улушини қўпайтиришни режалаштираяпти.



Конгода катта миқдорда уран моддаси йўқолган. Мамлакат Атом энергияси маркази раҳбари уран контрабандаси билан шуғулланганликда гумон қилиниб, қамоққа олинди. Мамлакат прокуратураси қанча миқдорда уран йўқолганини ҳозирча сир тутмоқда.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатларга сафари давом этмоқда. У Бразилия, Уругвай, Колумбия, Гватемала ва Мексикада бўлиб, ушбу мамлакатлар аҳолисини Вашингтон Лотин Америкаси давлатларига бефарқ эмаслигига ишонтирмоқчи. Бушнинг Бразилияга ташрифи чоғида мамлакатда кўп минг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Дунёга назар

Япония дейилганда ортиқча таърифу тавсифсиз ҳам кўпчиликнинг кўз ўнгида ўзининг бой маданий тарихига эга бўлган ва айни пайтда илм-фан, технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган, иқтисодий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга давлат гавдаланади. Бу юрт ҳақида телевидение, радио, матбуот ёки интернет маълумотлари орқали воқифсиз. Аксарият юртдошларимиз эса япон халқининг феъл-атвори, бугунги фаровон кунларигача босиб ўтган ҳаёт йўли, турмуш тарзи тўғрисида Ўзбекистон телерадиоканалида намойиш этилган сериаллар орқали таниш. Халқимизда минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деган, пурмаъно ҳикмат бор. Жорий йилнинг февраль ойида Японияда бўлиб қайтгач, биз ўзбекистонлик бир гуруҳ ёшлар ана шу мақол бежиз айтилмаганига яна бир карра амин бўлдик. Гап шундаки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА) ташаббуси ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли "Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари дўстлиги" дастури доирасидаги тадбирларда иштирок этиб, мазкур юрт ҳақида эшитганларимиздан-да зиёдроқ манзараларнинг гувоҳи бўлдик. Иқтисодиёт, таълим, тиббиёт ва оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш мутахассислардан иборат гуруҳда шу сатрларнинг муаллифи ҳам бор эди.

Кунчиқар юрт мўъжизалари

Денгиз устида аэропорт

Эрта тонгда Тошкент халқаро аэропортидан кўтарилган самолётимиз қарийб тўққиз соатлик парвоздан сўнг тунда Япония пойтахти Токио ҳудудида жойлашган "Нарита" халқаро аэропортига қўнди. Бир озгина танаффусдан сўнг асосий кўзлаган манзилимиз — Осака префектураси(вилояти) томон учишни давом эттирдик. Очиғи, узоқ йўл юрганимиз боис бироз ҳорғинлик аломатлари сезила бошлаганди. Бироқ, Японядек тараққий этган давлатга ташриф буюраётганимизни ич-ичимиздан ҳис қилиб турар, шу боис ҳам қандайдир ташналик чарчоқни сездирмасди.

Осака ҳудудидаги "Кансай" халқаро аэропортига келиб қўниш чоғидаёқ илк мўъжизавий хабарни қабул қилдик: "Мазкур аэропорт денгиз устида сунъий яратилган ерга қурилганмиш. Японияга сафарингиз чоғида бундай ороллари ҳали кўп учратасиз... "

Аҳолисининг сонига нисбатан ҳудуди анчайин кичик Японияда ерга бўлган эҳтиёжнинг катталиги бор гап. Бу ҳақда илгари ҳам эшитгандик. Қолаверса, кунчиқар юрт вакилларининг ана шу эҳтиёжни денгизни ўзлаштириш йўли билан ҳал этишаётгани ҳақида ҳам хабардор эдик. Бироқ, бутун бошли халқаро аэропортнинг сув устига барпо этилгани чиндан ҳам мўъжиза ва ана шу мўъжиза инсон ақлу заковати қанчалар чексизлигининг ёрқин бир мисолидир.

Маълумотларга кўра, "Кансай" халқаро аэропорти 1994 йилнинг 4 сентябрь куни фойдаланишга топширилган. Ҳудуди 510 гектар бўлиб, табиий қирғоқ билан боғлаб турувчи кўприкнинг узунлиги 3,75 километрни ташкил этади. Дарвоқе, мазкур кўприк икки қаватдан иборат: унинг остки қавати темирйўл транспорти учун мўлжалланган бўлса, устидан автомобиллар ҳаракатланади. Бу йирик иншоот ҳар томонлама қулай, хавфсиз ва мукаммал барпо этилган. Масалан, вазни 1000 тоннагача бўлган кемалар унинг остидан бемалол ўтиши мумкин.

Аэропорт иккита йирик учиш йўлакчасига эга. Биринчи учиш йўлакчаси 60 метр кенгликда ва узунлиги 3,5 километрга тенг. Самолётлар парвози учун ҳозирланаётган янги, иккинчи йўлакча эса шу йилнинг август ойида фойдаланишга топшириларкан. Унинг узунлиги 4 километр.

"Кансай" халқаро аэропорти айни пайтда 53 та ҳаво йўллари компаниялари учун хизмат кўрсатмоқда. Бу ердан кунига юздан ортиқ халқаро ва элликдан зиёд ички йўналишлар бўйича парвозлар амалга оширилаётир. Аэропортнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган тўрт қаватлик йирик биносида барча шароитлар муҳайё қилинган. Жумладан, ресторан, дўкон, бизнес марказ, интернет, чўмилиш, массаж ва болалар хоналари, музей, атрофни томоша қилиш учун мўлжалланган заллар куну тун келиб-кетувчилар ихтиёрида.

Бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан мукаммал мазкур мўъжизавий ҳаво дарвозаси Японияннинг бошқа давлатлар билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаяпти.

Илк таассурот оғушида автобусларга жойлашиб, Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Осакадаги марказига етиб келдик. Тун ярмидан ошган, узоқ йўл юрилгани боис ҳаммамиз қаттиқ чарчагандик. Аммо табиатан вақтни қадрлайдиган японлар шундай бир шароитда ҳам бизни ётоқхонага эмас, синфхоналарига таклиф қилишди. Бу ерда "Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари дўстлиги" дастури доирасидаги уч ҳафтага мўлжалланган тадбирларнинг қисқача режаси билан таништирув бўлиб ўтди. Шундан кейингина ўзимиз учун ажратилган хоналарга жойлашдик...

Денгиз устига қурилган «Кансай» халқаро аэропортининг юқоридан кўриниши.

Япония ва японлар

Маълумки, Япония ороллар мамлакати. Атрофи сув билан қопланган мазкур давлат шарқдан Тинч океани, ғарбдан Япон денгизи, жанубдан Шарқий-Хитой денгизи, шимолдан Охото денгизи билан ўралган. Мамлакатнинг умумий ер майдони 378000 км. кв. бўлиб, тўртта йирик — Хоккайдо, Хонсю, Сикоку, Кюсю ҳамда минглаб майда оролчалардан ташкил топган. Кўз олдингизга келтириш учун таққосласак, мамлакат ҳудуд жиҳатдан Ўзбекистондан тахминан 70 минг км.кв. кичик. Японияннинг 80 фоизга яқин ҳудудини тоғлар эгаллаган. Улар орасида энг баланди (3776 метр) ва машҳури Фудзияма тоғи бўлиб, у японларнинг ўзига хос рамзига ҳам айланиб қолган.

Японияда тез-тез табиий офатлар кузатилади. Ер силкиниши, тўфон ва вулқонлар шулар жумласидандир. Табиатнинг ана шу инжиқликлари баъзан каттагина талафотларни ҳам келтириб чиқаради. Масалан, сўнгги йилларда Хансин-Авадзи ва Ниигата префектураларида кучли ер силкиниши қайд этилган. Оқибатда ана шу ҳудудлар жиддий зарар кўрди.

Япониянинг жами аҳолиси 127,47 миллион нафар бўлиб, уларнинг асосий қисми япон миллатига мансуб кишилардир. Япон тили расман давлат тили сифатида қабул қилинган. "Кандзи", "хирагана" ва "катакана" деб номланувчи уч хил ёзув тури бор. Асосий дини буддизм ва синтоизмдир.

Маъмурий-ҳудудига кўра мамлакат 47 та префектура, 3200 та шаҳар ва қишлоққа бўлинади. Конституцияга асосан Японияда императорлик тизими жорий қилинган. Император миллатнинг рамзи сифатида эътироф этилгани боис давлат ишлари билан шуғулланмайди. Фақатгина парламент тизимини шакллантириши, бош вазирни тайинлаши ва амнистияни тасдиқлаши мумкин. Бироқ шу ҳам давлат бошқарувида асосий масъулиятни зиммасига олган Вазирлар Маҳкамаси маслаҳати ва розилиги билан амалга оширилади. 1989 йилдан ҳозирга қадар Акихито Япония императори сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Кўпинча иқтисодий таҳлилчилар билан суҳбатлашганда бир жиҳат эътиборимизни тортарди. Яъни, улар иқтисодиётни ривожлантириш ҳақида сўз юритганда кунчиқар юрт вакилларининг катта ҳаётий тажрибасини ўрнак қилиб кўрсатишар ва гап орасида "япон мўъжизаси (феномени)" деган иборани кўп бор тилга олишарди.

Маълум бўлишича, иккинчи жаҳон урушидан қаттиқ азият чеккан Япония жуда оғир аҳволга тушиб қолган, иқтисодиёт издан чиққан эди. Шундай бир вазиятда мамлакат Конституциясига "ҳамма вақтларда урушни бутунлай рад этиш" тўғрисида ўзгартириш киритилди ва тинч давлат сифатида асосий эътибор саноатни ривожлантиришга қаратилди. Қолаверса, ҳукумат ишлаб чиққан дастурни руёбга чиқаришда табиатан сабр-бардошли, меҳнаткаш, юрт тақдирини ўз тақдиридан устун қўювчи халқнинг қўллаб-қувватлаши ҳам катта ёрдам берди. Натижада иқтисодиёт тез суръатлар билан ривожланди ва мамлакат ярим асрдан кўпроқ вақт ичида дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторига қўшилди. Ҳозирги кунда Япония ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турса, аҳоли даромадлари бўйича илк ўнталикка киради. Оз фурсатда мана шу даражага етишишни чиндан ҳам "мўъжиза" дея эътироф этиш мумкин...

Япон халқи ўз ишини вақтида, батартиб, мукаммал ва астойдил қилишга интилади. Ҳар бир юмушни бажаришда масъулият ва қатъий тартибга бўйсунилади. Назаримизда, самарадорликка эришишнинг муҳим жиҳати ҳам шунда. Бунга ҳаётдан жуда кўп мисолларни келтириш мумкин. Масалан, бундан қирқ йил аввал темирйўл соҳасида муҳим янгилик сифатида эътироф этилган юқори тезликда ҳаракатланувчи (соатига ўртача 300 километр) "Токайдо Шинкансэн" поезди қатновга қўйилди. Лойиҳа аниқ ҳисоб-китоб асосида олиб борилгани учун ҳозиргача бу йўналишда бирорта ҳам нохуш воқеа қайд этилмаган.

Ёки ўзимиз гувоҳи бўлган бошқа бир мисолни келтирсак. Японияга илк келган кунларимиз бизга шаҳар транспортларидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини тушунтиришди. Таъкидландики, мамлакатдаги ҳар бир жамоат транспорти қатъий жадвал асосида ҳаракатланади. Хоҳ у автобус бўлсин, хоҳ у метро, жадвалда кўрсатилган вақтдан бир дақиқа олдин ҳам, бир дақиқа кеч ҳам юрмайди. Ҳатто уларнинг келиш-кетиш вақтига қараб соатни тўғрилаш ҳам мумкин.

Дейлик, сиз ўзингиз борадиган манзил бўйлаб ҳаракатланувчи автобусга бор-йўғи, бир дақиқа кечикиб келдингиз. Эшиклар ёпилиб, ҳайдовчи йўналиш бўйича эндигина ҳаракатни бошлаган. Унга имо-ишора қилиб, олиб кетишини ҳар қанча тушунтирманг, ҳайдовчилар автобус эшикларини очишмайди. Ноилож навбатдагисини кутишингизга тўғри келади. Шунинг учун ҳам жамоат транспортидан фойдаланувчилар қўлларида "Вақт жадвали"ни олиб юришади ва ўз ишларини режалаштиришда белгиланган муддатни қатъий инобатга олишади.

Японияни тубдан ўзгартириб юборган ислоҳот ҳақида мақоланинг навбатдаги қисмида ҳикоя қиламиз.

(Давоми бор).

Шавкат ОРТИҚОВ
1982 йилда Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги Қўқумбой қишлоғида туғилган. Истиқлол йиллари ўқишини битириб, республика газеталарида ишлаб келмоқда. Инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Яқинда у Япония сафарида бўлган ҳамкасблари гуруҳида «Халқ сўзи»нинг вакили сифатида иштирок этди.



МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги "Мунис-Умиди" хусусий босмахонасига Германиянинг "Резограф" технологияси ўрнатилди. Натижада тумандаги тадбиркор ва фермерлар, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар, аҳоли учун сифатли матбаа хизмати кўрсатиш имконияти юзага келди.

— Мамлакатимизда матбаачилик соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда, — дейди корхона раҳбари Неъмат Ражабов. — Биз ҳам «Пахтабанк» туман филиалининг "Кескантерак" шохобчасидан олинган 22,5 миллион сўм кредит эвазига чет эл технологиясини келтириб ўрнатдик. Эндиликда ана шу кичик босмахона кўмагида барча буюртмаларни бекаму кўст бажаряпмиз. Айниқса, тадбиркор ва фермерлар учун тайёрланаётган бухгалтерия бланкалари ва бошқа ҳужжатларга талаб тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда қўшни Конимех, Хатирчи, Нурота туманларидан ҳам буюртмалар олдик. Жорий йилдан тўй ва базмлар, турли хил тадбирлар учун ранг-баранг таклифномалар чиқара бошладик. Яқин кунларда маҳаллий матбуот нашрларини ҳам шу ерда чоп этиш йўлга қўйилади.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.



Олам меҳр ила мунаввар

— дейди республика Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Шабот ХЎЖАЕВ

Сиз бу ажойиб инсонни кўрмаган бўлсангиз ҳам номини эшитгансиз. Тиббиётга оид китобларини ўқигансиз. Асл касби шифокорлик бўлса-да, ижод аҳлини даволаб, улар билан ошно-ю дўст тутинганидан адабиётга меҳри жуда баланд. Ўзи ҳам хотиралар, кичик ҳикоялар, эсдаликлар ёзиб туради. Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода каби буюк ижодкорларнинг асарларини севиб ўқиган ва улар билан қадрдон бўлган. Бобоси Асадуллахўжа бир неча тилни яхши билган, адабиёт ва тарих илмидан хабардор, миллатпарвар инсон бўлган. Амакиси Убайдуллахўжа ўзбеклардан чиққан биринчи олий маълумотли ҳуқуқшунос эди. Бир вақтлар Шайхзода «Мирзо Улуғбек» трагедиясини тугатиб унга ўқишга берганида, у қўлёзмани ўқиб чиққач, бир четига: «Буюк бобомиз Улуғбек вафотларидан кейин яна 800 йил умр кўрган эдилар. Энди сизнинг моҳир қаламингиз сеҳри билан яна 500 йил яшайдиган бўлибди», деб ёзиб қўйган экан.

Шабот ака бугун 82 ёшда. Оллоҳга шукрки у киши ҳамон тетик ва бардам, гап-сўзлари жойида. Мустақиллик йилларида давлатимиз ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда катта маблағ ажратиши туфайли бир вақтлар ўзи ташкил этган Вирусология маркази ишини яхшилашга киришди. Натижада, пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида лабораториялар, муолажа хоналари, маъмурий бинолар ва конференция залларидан иборат 126 ўринли клиника қад ростлади. Мазкур Вирусология институти жамоаси эл-юрт соғлигини сақлаш борасида муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам меҳр-оқибатни биринчи ўринга қўядиган бу ажойиб инсон айни пайтда деярли йигирма йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг раисидир. Мазкур даргоҳда инсонларнинг ўзаро муносабатлари меҳр-оқибатга асослангандагина жамият янада гўзаллашади, деган шиор амал қилади. Олим билан суҳбатимиз давомида мазкур жамғарманинг ташкил топиш тарихи билан қизиқдик.



— Ҳеч бир нарса сабабсиз, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, — дея сўз бошлайди олим. — Бу ҳолатни файласуфлар сабабсиз оқибат бўлмайди тарзида изоҳлашади. Маълумки, Шўролар даврининг зулмлари ҳам кўп бўлган. Ўз бойлигини ўзи ишлатолмаслик, боланинг отага, отанинг болага душман қилиб қўйилиши, ҳаттоки, уларнинг бир-бири устидан шикоят, чақув уюштириб, қаматтиришлари бунинг яққол исботидир. Кейинчалик билишсаки, ҳар иккови ҳам бегуноҳ экан. Лекин энди кеч, бўлар иш бўлган, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди...

Эллигинчи йилларда ҳам одамларда ўтмишдан мерос қолган меҳр-оқибат туйғулари бор эди. Сўнгра жамият уни аста-секин йўқота бошлади. Уни сақлаб қолмоқнинг чораси, иложи топилармикан? Мана шундай бир шароитда, яъни 1989 йилнинг 3 февралида Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси иш бошлади. Беш нафар номзоддан мени раисликка маъқул кўришди. Жамғарма асосан ижтимоий муҳофазага муҳтожлар учун хизмат қилиб келмоқда, десам янглишмаган бўламан. Улар ёшлари ўтиб, кексайиб, қаровсиз қолганлар ва кўп фарзандли оилалардир. Уларни кийим-кечак, озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаймиз. Жамғарманинг Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги бўлимларида ҳам яхши кўрсаткичларга эришилмоқда.

— Жамғарма ҳужжатлари билан танишаётиб, ёрдам сўраб мурожаат қилган ташкилотлар, муассасалар ва алоҳида шахслар рўйхатига ҳам кўзим тушиб қолди. Ҳаттоки, каттагина бир жамғарма раиси кам маош оладиган ходимлари рўйхатини илова қилиб, уларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилишини илтимос қилибди. Жамғармада ҳар доим бундай катта кўламда ёрдам кўрсатиш имконияти борми?

— Ижод аҳли билан дўстлигим туфайли уларнинг тилига яхши тушунадиган бўлиб қолганман. Маблағни қаердан оласиз, деяпсиз-да. Юртимиз, халқимиз болажон. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси доимий ҳамкоримиз. Шунингдек, якка шахслардан иборат ҳомийларимиз ҳам талайгина. Бундан 3-4 йил аввал «Саломатлик» лотореясини сотувга чиқаргандик. Ҳозиргача ҳам унинг қўр-қутидан тегиб турибди. Тўғри, барчага баробар ёрдамнинг иложи ҳамиша бўлавермайди, лекин энг зарур ва шарт деб ҳисоблангани амалга оширилмоқда.

— Сизнингча меҳр-шафқат суяк сурадими ёки тарбияга боғлиқми?

— Одам боласининг вужудида, руҳиятида аждодлардан авлодларга ўтадиган меҳр куртаклари бор. Бу жараён шифокорлар тилида ген, ирсият деб аталади. Она сути ва она алласи ғўдак вужудидаги меҳр куртакларини жонлантиради. Тарбия эса уларни гулга айлантириб, кўнгилдагидек ҳосил беришга тайёрлайди. Масалан, бир-бирини ҳурмат қилмайдиган, бўлар-бўлмасга уришаверадиган ота-оналарнинг фарзандлари ҳам кўпинча бемеҳр бўлиб вояга етадилар. Халқимизда «жигар жонли» деган ибора бор. Бу ота-онасидан ташқари ака-укалари, опа-сингиллари ва қариндош-уруғларини эзъозлаб, ҳолидан хабар олиб турадиган одамларга нисбатан қўлланилади. Улар табиийки, катталар меҳрибон бўлган оиладан чиққан бўладилар.

— Болалар ўйинчоқлари меҳр-оқибатли ёки аксинча шафқатсиз бўлишга қай даражада таъсир кўрсатади?

— Буларнинг ўзаро боғлиқлиги жуда кучли. Чунончи, қизалоқлар кичиклигидан бошлаб қўғирчоқ ўйнаб, унга алла айтадилар, қўйлакчалар тикиб кийгизишади. Ўғил болалар эса милтиқ, автомат каби ўйинчоқларни хуш кўришади. Шунинг учун ҳам кейинчалик эркакларда шижоат, матонат, аёлларда майинлик, ҳалимлик кучли бўлади.

Бугунги кунда пистолет, маузер, автомат, танк ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи корхоналар жуда кўп. Кеча уйга кетаётиб, маҳалламиз кўчасида иккита болакайни кўриб қолдим. Икковининг қўлида ҳам тариллатиб, тиним билмай отиладиган автомат. Улардан бирининг «аввал сен ўлишинг керак, чунки мен биринчи бўлиб отдим», — деган сўзи менга ёмон таъсир қилди. Ёшлигидан шеригини «отадиган» боладан қандай меҳр-шафқат кутиш мумкин? Бу билан болалар отиш қуролларидан иборат ўйинчоқлардан фойдаланишмасин, демоқчи эмасман. Лекин уларнинг салбий таъсирини ҳам унутмаслик керакка ўхшайди.

* * *

Бизнинг қизғин суҳбатимизни телефоннинг жиринглаши бўлади. Андижондан Муқаддас исмли 12 яшар қизча Шабот акани яқинлашиб келаётган Наврўз билан табриклаб, қўнғироқ қилаётган экан. Дарвоқе, олим уни Жанубий Кореянинг марказий касалхоналаридан бирида даволаниб, юрак касалидан фориғ бўлишига ёрдамлашган. Бундай ёрдам учун Тошкент шаҳри ва вилоятидан Азизбек билан Сергей Ким ҳам беҳад миннатдор. Хаёлимдан эҳтимол, кўпчиликнинг миннатдорчилиги ва дуоси уни навқирон айлаб юргандир, деган фикр ўтади.

— Элу юрт бахт-саодати учун қилинаётган ҳалол меҳнатнинг қадрига етиш, муносиб тақдирлаш, меҳр-оқибат, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш халқимизга хос азалий фазилатдир, — дейди Ш. Ҳўжаев суҳбатимиз якунида. — Ана шу фазилатларни асраб-авайлаб, сайқал бериб келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирмоғимиз лозимки, токи улар ҳам, ўз навбатида, анъанавий қадриятларимизга содиқлик билан умргузаронлик қилсинлар. Чунки инсоният ҳамиша меҳрга эҳтиёж сезиб, унга интилиб яшайди. Меҳр-оқибат инсон умрини узайтириб, жамиятни гўзаллаштиради. Дунё меҳрдан покланиб, сайқалланиб боради.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сонли «Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмасини тугатиш масалалари тўғрисида»ги қарорига асосан

«ЎЗБЕКТЎҚИМАШ» ИЧБ тугатиш бошқаруви

қуйида келтирилган бино ва иншоотларни сотиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Тендер савдоларида иштирок этувчилар инвестиция ва сотиб олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олиб, (500 м² ортиқ ишлаб чиқариш майдонларида) тўқимачилик асбоб-ускуналари ва машиналарига эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи буюмлар, шунингдек, тикувчилик, трикотаж буюмлари, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган ва турли хил хизматлар кўрсатувчи экологик жиҳатдан тоза бўлган корхоналар ташкил этишлари лозим.

«Ўзбектўқимаш» ИЧБнинг сотиладиган бино ва иншоотлари рўйхати

Т/р	Объектлар номи	Инвентарь рақами	Умумий майдони м²	Бошланғич баҳоси (АҚШ долларида)
	Мажмуа № II			
1.	РМЦ мажмуаси — қозонхона участкаси, ностандарт ускуналар участкаси	1322100, 601570, 844700, 608100, 601530, 601520	2443,6	149671 $
2.	Электр кучланиш бўлими биноси, 3-қисми	601300	203,9	2064 $
	Мажмуа № III			
3.	Ёзги стадион	601610	1215,0	8605 $
	Мажмуа № IV			
4.	Марказий асбоб-ускуналар омбори (П.Д.О)	606700	1482,3	113894 $
5.	Кислоталар омбори	605500	73,1	4068 $
	Мажмуа № V			
6.	Айланма таъминлаш компрессор станцияси биноси	603200, 630930, 603210, 603220	1088,1	157827 $
7.	Компрессор станцияси ёрдамчи биноси	603200	184,0	10720 $
8.	Кассеталар ишлаб чиқариш биноси (2 қаватли)	603200	197,6	13807 $
9.	Уч секцияли кичик уй	132300	48,8	2967 $
	Мажмуа № VI			
10.	Сабзавот сақлаш омбори ва 1-бўлим омбори биноси	605200	252,0	27745 $
11.	МТТБ (ОМТС) (МК) бостирмаси	605200	248,6	10494 $
12.	Ярим тайёр маҳсулотлар кафетерий-дўкони биноси	607400	123,8	6026 $
13.	МТТБ омборлари ва ошхона биноси, бостирмалар ҳамда тақаб солинган иморат билан	605200	662,6	36459 $
	Мажмуа № X			
14.	12-сонли корпус биноси (2-подстанциядан ташқари)	601610	586,8	20667 $
15.	ЦЛД металлоконструкциялари	609700	57,7	942 $
16.	Термик цех биноси	601610	2252,6	74001 $
		603512	—	713 $

Тендерда иштирок этиш учун эълон чоп этилгандан бошлаб тендер иштирокчиси тугатиш бошқарувидан олган Давлат мулк қўмитаси томонидан тавсия этилган «Талабнома» асосида 15 календарь куни давомида қуйидаги ҳужжатлар тугатиш бошқарувига тақдим этилиши лозим:

- ***тендер иштирокчиси тўғрисида тўлиқ маълумотлар;***
- ***бизнес-режа, инвестиция таклифлари ва бинони сотиб олиш бўйича кафолат хати ҳар бир объект бўйича алоҳида муҳрланган конвертларда тақдим этилиши керак.***

Объектлар бўйича қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 363-50-94, 363-50-92.
Мурожаат учун манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-«Б» уй. Мўлжал — «Аския» бозори.

Тугатиш бошқаруви.

Матбуот анжумани

Кураш байрами Мадагаскарга кўчади

Жорий йил ҳам ўзбек миллий спорти — кураш мусобақаларига бой бўлмоқда. Кеча Миллий матбуот марказида уюштирилган анжуманда таъкидланганидек, Буюк Британияда ўтказиладиган Юртбошимиз, КХА фахрий президенти Ислом Каримов анъанавий турнири курашнинг дунёда оммалашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Февраль ойининг сўнгида еттинчи бор ўтказилган мусобақада Англия, Франция, Шотландия, Ирландия, Шри Ланка, Люксембург каби ўндан ошиқ мамлакатдан келган 200 нафарга яқин полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқишди.

Халқаро турнирнинг дастлабки йилларидан буён қатнашаётган ёшлар бугунги кунга келиб кучли курашчилар бўлиб етишди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, улар дзюдо ёки шунга ўхшаш бошқа шарқ якка курашлари эмас, кураш тушиб вояга етишди. Шу ўринда Буюк Британия Кураш ассоциацияси президенти Тим Томоснинг бир гапини айтиб ўтиш ўринли: «Англияликлар унча бунча анъаналарни қабул қилавермайди. Кураш ўзининг жозибаси, ҳалоллиги, адолатлилиги, инсонпарварлиги билан бизни мафтун этди. Бу спорт турини ўзимизники, деб қабул қилдикми, энди уни авлоддан-авлодга етказишга масъулмиз».

Дарҳақиқат, халқаро турнирда гиламга чиққан полвонларнинг энг кичиги 5 ёшда бўлса, энг фахрийси 50 ёшда эди. Шу жиҳати билан ҳам кураш ёш танламаслиги, барча учун мақбул спорт тури эканлигини исботлади. Айниқса, Буюк Британия шарафини ҳимоя қилган Жэк Вебб, Даррин Ричардсон, ўзбекистонлик Шуҳрат Муродов, Сухроб Дўстов, франциялик Флориал Кабос Дуамэллар томонидан намойиш этилган кураш усуллари барчага манзур бўлди.

Матбуот анжуманида журналистларга кураш бўйича йил давомида ўтадиган бошқа мусобақалар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди. Унга кўра, навбатдаги мусобақа 18-20 март кунлари Мадагаскар пойтахти Антананариву шаҳрида бўлиб ўтади. VI Африка чемпионатида 30 га яқин мамлакатдан полвонлар иштирок этиши кутилмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

Маҳсулот сертификатланган

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти собиқ илмий ходими
Асқарали Абдураҳмонович МАҲКАМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходими, кимё фанлари доктори, профессор
Георгий Викторович НИКОНОВичнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК режиссёри Фарҳод Маннаповга волидаи муҳтарамаси
ИНОБАТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.00 Топширилди — 21.25 23456